

7-1-2018

## Comparative analysis of industrial production by regions and priorities for its development

B.B Salimov

*Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islam Karimov 49, b.salimov@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Salimov, B.B (2018) "Comparative analysis of industrial production by regions and priorities for its development," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 3 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Салимов Баҳодир Бахтиярович,  
ТДИУ таянч докторанти  
E-mail: [b.salimov@mail.ru](mailto:b.salimov@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада ҳудудларда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми, улуши, ўсиш динамикаси, ҳудудларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, ўсиш динамикаси ҳудудлараро ва республика кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил этилган ва ҳудудлар бўйича устувор вазифалар келтирилган.

**Аннотация:** Рассматривается объём производства промышленной продукции в регионах его динамика, удельный вес промышленной продукции регионов в общем объеме промышленной продукции республики, проводится анализ выпуска промышленной продукции на душу населения в регионах и динамика его роста в сопоставлении с другими регионами и с республиканскими показателями, приводятся приоритетные задачи развития промышленности в регионах.

**Abstract:** The article examines the volume of industrial production in the regions, its dynamics, the share of industrial products in the regions of republic, analyzes the output of industrial goods per capital in the regions and the dynamics of its growth in comparison with other regions and republican indicators as well as priority tasks of industrial development.

**Калит сўзлар:** Саноат зонаси, кичик саноат зонаси, кўчишга мойиллик, қиёсий таҳлил, аҳоли жон бошига маҳсулот, ҳудудий маҳсулот, хорижий инвестор, қўшма корхона, индекс, хусусий тадбиркор.

### Кириш

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, саноатни ривожланиши: аҳолини иш билан таъминлайди; Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳасини, озиқ-овқат, енгил саноат тармоқларини ва бошқа тармоқларни ривожланишига туртки беради; аҳоли даромадларини оширади, ҳудуднинг табиати, қишлоқ хўжалиги, меҳнат, молия ва бошқа ресурсларни ишлаб чиқаришдан тортиб мамлакатимизнинг иқтисодий потенциалини оширади. 2017 йилда қабул қилинган “ Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг 3-йўналиши, 32ва 3.5 чи бандларида саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, маҳалий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини янада ривожлантириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, ҳудудларнинг мавжуд саноат салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масалалари илгари сурилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ва ҳудудларда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ҳажмини ҳудудлараро ҳамда ҳудудларни мамлакатимиз кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини таҳлил этиш ва ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлилі**

Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни ҳудудлар миқёсида ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари жуда кўп олимларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган.

Н.Н. Бурцов ва М. Бест ишларида саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ муҳим масалаларга эътибор берилган [5, 6].

Г.А. Власкин ва Е.Б. Ленчук ишларида саноат сиёсатини ишлаб чиқишда ва юритишда саноатни инновацион ривожлантиришнинг назарий-амалий томонлари қаралган [4].

Ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, табиий ресурслари ва ҳудудни ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб махсус ишлаб чиқилган концепция асосида саноат ишлаб чиқаришни саноат зоналарида ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари А.О. Егорова, С.Н. Кузнецова [7] ҳамда В.П. Кузнецов, С.Н. Кузнецова [8, 9] ишларида кенг ёритилган. Лекин, бу ишлар Россия федерацияси шароитига тўғри келади. С.С. Ғуломовнинг ишларида саноат соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ёритилган [11].

### **Тадқиқот методологияси**

Изланиш жараёнида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, индекс, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шу билан бирга Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг ушбу мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

1- жадвалда ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари миқдори ва уларнинг 2013-2017 йилларда, номинал қиймати бўйича саноат маҳсулоти миқдорининг ўсиш динамикаси берилган. Жадвалдаги маълумотларга кўра республикада ушбу кўрсаткич, қайд этилган йиллар давомида ўсиш танденсиясига эга. 2013 йилда республикада 70634,8 млрд сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса 2017 йилга келиб у 144185,3 млрд сўмни ташкил этган, яни у 2 баробарга ўсган. Ўртача йиллик миқдори 91393,0 млрд сўмга тенг. 2017 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Тошкент шаҳрида (28310,2 млрд сўм), Тошкент вилоятида (21060,3 млрд сўм), Андижон (13230,3 млрд сўм), Навоий (13088,0 млрд сўм) Қашқадарё (10820,9 млрд сўм) ва Самарқанд (9167,7 млрд сўм) вилоятларида, нисбатан, кўп бўлган. Паст даражада ишлаб чиқариш Сирдарё (3404,9 млрд сўм), Жиззах (2285,5 млрд сўм) Сурхондарё (2189,8 млрд сўм) вилоятларида кузатилади. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичлар ўртача бўлиб, 3828,0-6669,0 млрд сўм оралиғида бўлган. Тошкент шаҳрини эътиборга олмасак, Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2013 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг максимал ва минимал қийматлари ўртасидаги фарқ 11278.8 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич бирмунча камайиб 8870.5 млрд сўмни ташкил этган. Айтиш керакки, бу фарқ ҳам кичик эмас, у аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариши паст бўлган ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашда қийинчиликлар туғдирса, бошқа томондан, ҳудудлар бўйича, аҳоли турмуш даражалари ўртасидаги фарқни ҳам кескинлашувига олиб келади.

Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулоти ҳажми ва ўсиш динамикаси

№	Вилоятлар	Саноат маҳсулотини ҳақиқий нархларда жами; млрд сўм					саноат маҳсулотининг ўртача йиллик миқдори	Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари / ўтган йилга нисбатан %да					2017 йил 2016 йилга нисбатан
		2013	2014	2015	2016	2017		2013	2014	2015	2016	2017	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1368,8	1717,2	2387,6	4265,7	6669,0	3097,4	109,0	110,0	124,0	166,2	109,4	487,2
2	Андижон	9278,6	10463,2	9744,6	7965,7	13230,3	9857	115,4	106,3	89,5	74,8	125,8	142,6
3	Бухоро	3073,9	3972,6	5143,9	5569,6	6353,1	4849,9	110,3	109,6	111,3	106,5	100,8	206,7
4	Жиззах	933,3	1195,8	1474,5	2001,2	2288,5	1570,6	111,7	112,8	119,6	122,8	102,7	245,2
5	Қашқадарё	6849,4	7194,7	8721,9	9632,2	10820,9	8596	103,5	106,5	105,1	103,8	106,4	158,0
6	Навоий	7087,3	8238,9	9286,9	10657,9	13088,0	9567,8	101,4	103,4	103,4	102,5	100,9	184,7
7	Наманган	1892,1	2315,2	2861,8	3475,7	3901,7	2887,4	111,1	113,1	114,4	113,0	107,3	206,2
8	Самарқанд	3880,1	4966,4	6095,5	7446,0	9167,7	6258	112,2	114,0	113,1	109,9	104,5	236,3
9	Сурхондарё	1321,4	1615,3	1910,7	2200,7	2189,8	1870,6	107,3	111,2	110,0	107,9	92,3	165,7
10	Сирдарё	1929,3	2363,1	2820,6	3522,3	3404,9	2843,3	102,9	106,4	108,1	113,3	86,9	176,5
11	Тошкент вилояти	10418,3	12474,6	14401,0	16864,7	21060,3	14871,2	112,1	106,4	108,1	106,9	105,3	202,1
12	Фарғона	5290,8	6596,4	7170,2	8040,7	9612,7	7314,8	108,3	110,3	106,5	102,8	104,3	181,7
13	Хоразм	1297,2	1920,8	2616,0	2802,7	3828,0	2475,5	114,0	144,3	128,7	93,1	115,5	295,1
14	Тошкент шаҳри	15531,3	15468,5	18986,1	23511,9	28310,2	19971,8	114,5	115,9	114,5	113,2	109,2	182,3
15	Ўзбекистон Республикаси	70634,8	84011,6	97598,2	111869,4	144185,3	91393	109,5	108,3	107,9	106,2	107,0	204,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ҳудудларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 2017 йил кўрсаткичларини 2013 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш миқдорини фоизда қараймиз. Энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон республикасида (487,2%), Хоразм вилоятида (295,1%), Жиззах (245,2%), Самарқанд (236,3%) вилоятларида содир бўлган. Ўсиш сурати юқори бўлишига қарамадан Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Жиззах вилоятлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича охириги ўринларда қолмоқда.

Энг паст ўсиш Сурхондарё (165,7%), Қашқадарё (158,0%) ва Андижон (142,6%) вилоятларида содир бўлган. Қолган вилоятларда ўсиш ўртача даражада бўлиб, у 158,0-206,7% оралиғида бўлган.

Ҳудудларни Республика жами саноат маҳсулотига қўшган улушларини қараймиз (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудларнинг улуши (жамига нисбатан %да)**

№	Вилоятлар	2013	2014	2015	2016	2017
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,9	2,0	2,4	3,8	4,6
2	Хоразм	1,8	2,3	2,7	2,5	2,7
3	Навоий	10,0	9,8	9,5	9,5	9,1
4	Бухоро	4,4	4,7	5,3	5,0	4,4
5	Жиззах	1,3	1,4	1,5	1,8	1,6
6	Қашқадарё	9,7	8,6	8,9	8,6	7,5
7	Сурхондарё	1,9	1,9	2,0	2,0	1,5
8	Самарқанд	5,5	5,9	6,2	6,7	6,4
9	Сирдарё	2,7	2,8	2,9	3,1	2,4
10	Тошкент вилояти	14,7	14,8	14,8	15,1	14,6
11	Наманган	2,7	2,8	2,9	3,1	2,7
12	Андижон	13,1	12,5	10,0	7,1	9,2
13	Фарғона	7,5	7,9	7,3	7,3	6,7
14	Тошкент шаҳри	22,0	18,4	19,5	21,0	19,6
15	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўриш мумкинки, 2017 йилга келиб қўшган улуши бўйича энг кўп улуш Тошкент шаҳрига (19,6%), Тошкент вилояти (14,6%), Андижон (9,2), Навоий (9,1%), Қашқадарё (7,5%) вилоятларига тўғри келади. Энг паст улушга эга ҳудудларга Наманган вилояти (2,7%), Хоразм (2,7%), Сирдарё (2,4%), Жиззах (1,6%), Сурхондарё (1,5%) вилоятларини киритиш мумкин. Қолган ҳудудларни улуши ўртача даражада бўлиб у 4.4%- 6.7% оралиғида. Самарқанд вилоятининг улуши 6,4 % га тенг.

Ҳудудларни, аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти кўрсаткичини республика кўрсаткичига нисбати индексини ҳисоблаш формуласи:

$x_i^t = \frac{y_i^t}{z^t}$ ; Бу ерда  $y_i^t$ — $i$ -чи ҳудуднинг  $t$ -чи йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти миқдори;  $z^t$  -  $t$ -чи йилда мамлакат бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти миқдори;  $x_i^t$  -  $t$  - чи йилда  $i$  - чи ҳудудда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг республика кўрсаткичларидаги улуши (индекси). Республика индекси  $u_t = \frac{z_t}{z_z} = 1$  га тенг.

3-жадвалда ҳудудлар ва республика бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори келтирилган.

**3-жадвал**

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш  
(минг сўм)**

№	Вилоятлар	2013	2014	2015	2016	2017
1	Қорақалпоғистон Республикаси	788,3	974,0	1333,0	2364	3644,5
2	Хоразм	770,3	1119,6	1497,5	1591	2137,7
3	Навоий	7865,2	9022,0	10008,5	11395	13772,5
4	Бухоро	1750,1	2225,0	2833,8	3045	3421,7
5	Жиззах	760,8	956,6	1155,5	1553	1743,1
6	Қашқадарё	2365,7	2430,7	2882,7	3151	3469,9
7	Сурхондарё	572,5	684,9	792,3	903	880,3
8	Самарқанд	1126,1	1413,0	1700,8	2058	2487,4
9	Сирдарё	2525,9	3040,9	3567,7	4421	4206,7
10	Тошкент вилояти	3822,0	4522,6	5154,1	5998	7401,8
11	Наманган	755,6	906,4	1099,3	1323	1458,2
12	Андижон	3307,3	3661,9	3348,1	2713	4429,2
13	Фарғона	1562,3	1914,8	2045,5	2275	2675,9
14	Тошкент шаҳри	6602,6	6523,2	7933,4	9761	11579,3
15	Ўзбекистон Республикаси	2316,4	2708,1	3091,0	3482,8	4415,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

**3-жадвал давоми**

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш  
динамикаси, 2013 йилга нисбатан ўсиши, %да**

№	Вилоятлар	2013	2014	2015	2016	2017
1	Қорақалпоғистон Республикаси	100	123,6	171,3	299,9	462,3
2	Андижон	100	110,7	101,2	0,82	133,9
3	Бухоро	100	127,1	161,9	174,0	195,5
4	Жиззах	100	125,7	151,9	204,1	229,1
5	Қашқадарё	100	102,7	121,9	133,2	146,7
6	Навоий	100	114,7	127,3	144,9	175,1
7	Наманган	100	120,0	145,5	175,1	193,0
8	Самарқанд	100	125,5	151,0	182,8	220,9
9	Сурхондарё	100	119,6	138,4	157,7	153,8
10	Сирдарё	100	120,4	141,2	175,0	166,5
11	Тошкент вилояти	100	118,3	134,4	156,9	193,7
12	Фарғона	100	122,6	130,9	145,6	171,3
13	Хоразм	100	122,6	194,4	206,5	277,5
14	Тошкент шаҳри	100	98,8	120,2	147,8	175,4
15	Ўзбекистон Республикаси	100	116,9	133,4	150,4	190,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулотлари миқдори 2013-2017 йилларда барча вилоятларда ва республикада ўсиш тенденциясига эга. 2017 йилда 4 та вилоятда бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан (4415,6 минг сўм) юқори бўлган, бу Навои вилоятида (13772,5 минг сўм), Тошкент шаҳри (11579,3 минг сўм), Тошкент вилоятида (7401,8 минг сўм) ва Андижон вилоятида (4429,2 минг сўм). Ўртача кўрсаткичга эга бўлган вилоятларга Сирдарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари киради, уларнинг бу кўрсаткичлари 3421,7 – 4206,7 минг сўм оралиғига тўғри келади. Паст кўрсаткич Фарғона(2675,9 минг сўм), Самарқанд(2487,4 минг сўм), Хоразм(2137,7 минг сўм), Жиззах(1743,1 минг сўм), Наманган(1458,2 минг сўм), Сурхондарё(880,3 минг сўм) вилоятларига тўғри келади. Бу вилоятларда sanoat соҳаси бўйича, меҳнатга лаёқатли аҳоли малакасининг пастлиги, уларда sanoat корхоналарини ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулоти 2013-2017 йиллардаги ўсиш динамикасини қараймиз, (3-жадвал). 2017 йилда 2013 йилга нисбатан юқори ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикасида (462,3%), Хоразм (277,5%) вилоятида, Жиззах (229,1%), Самарқанд (220,9%), Бухоро (195,5%), Тошкент (193,7%), Наманган (193,0%) вилоятларида кузатилади. Бу вилоятларда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш сурати Республика (190,6%) кўрсаткичидан юқори. Қолган вилоятларда бу кўрсаткич миқдори республиканикидан паст бўлган. Паст ўсиш Сурхондарё (153,8%), Қашқадарё (146,7%) ва Андижон (133,99%) вилоятларида кузатилади. 4 – жадвалда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулотини республика кўрсаткичига нисбатан улуши, индекси келтирилган. Агар ушбу индекслар 100% га кўпайтирилса, унда, улар ҳар бир ҳудудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулотининг ўртача республика кўрсаткичининг неча фоизига тўғри келишини билдиради. 2017 йилга келиб 3 та ҳудудда ушбу индекс республика индексидан юқори. Булар, Тошкент шаҳри (2,62), Наманган (3,12) ва Тошкент (1,68) вилоятлари. Энг паст индекс миқдори Хоразм (0,48), Жиззах (0,39), Наманган (0,33) ва Сурхондарё (0,25) вилоятларига тўғри келади. Андижон вилояти индекси республика индексига тенг, қолган вилоятлар индекси (0,56-0,95) оралиғида жойлашган бўлиб республика индексига яқинроқ. Самарқанд вилоятида ушбу индекс 0,56 га тенг, яни вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулоти республика бўйича шу кўрсаткичининг, индексининг 56 фоизини ташкил этади ва буни яхши деб бўлмайд.

2017 йилга келиб 3 та ҳудудда ушбу индекс республика индексидан юқори. Булар, Тошкент шаҳри ( 2,62), Наманган (3,12) ва Тошкент (1,68) вилоятлари. Энг паст индекс миқдори Хоразм (0,48), Жиззах (0,39), Наманган (0,33) ва Сурхондарё (0,25) вилоятларига тўғри келади. Андижон вилояти индекси республика индексига тенг, қолган вилоятлар индекси (0,56-0,95) оралиғида жойлашган бўлиб республика индексига яқинроқ. Самарқанд вилоятида ушбу индекс 0,56 га тенг, яъни вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулоти республика бўйича шу кўрсаткич, индексининг 56 фоизини ташкил этади ва буни яхши деб бўлмайд.

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотини  
Республика кўрсаткичига нисбатан улуши, индекси**

№	Вилоятлар	2013	2014	2015	2016	2017
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,34	0,36	0,43	0,69	0,83
2	Андижон	1,43	1,35	1,10	0,78	1,00
3	Бухоро	0,76	0,82	0,92	,87	0,77
4	Жиззах	0,33	0,35	0,37	0,45	0,39
5	Қашқадарё	1,00	0,90	0,93	0,90	0,79
6	Навоий	3,40	3,33	3,2	3,27	3,12
7	Наманган	0,33	0,33	0,36	0,38	0,33
8	Самарқанд	0,49	0,52	0,55	0,59	0,56
9	Сурхондарё	0,25	0,25	0,26	0,26	0,20
10	Сирдарё	1,10	1,12	1,15	1,27	0,95
11	Тошкент вилояти	1,65	1,67	1,67	1,72	1,68
12	Фарғона	0,67	0,71	0,66	0,65	0,61
13	Хоразм	0,33	0,41	0,48	0,46	0,48
14	Тошкент шаҳри	2,85	2,41	2,57	2,80	2,62
15	Ўзбекистон Республикаси	1	1	1	1	1

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида қайта ишланган

Таҳлил қилиш натижалари орқали биз ҳудудларни саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси бўйича 3 турга бўлдик. Саноати юқори ривожланишга эга бўлган ҳудудлар: Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари. Саноати ўртача ривожланишга эга ҳудудлар: Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари паст ривожланишга эга бўлган ҳудудлар: Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари. Бундай ҳолат ҳудудлар ўртасидаги бир қатор тафовутларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Ушбу ривожланиш тенденцияси сақланиб қоладиган бўлса, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ янада кескинлашиб боришига олиб келади. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: республикамиз аҳолисини кўчишга мойил эмаслиги (иммобилность), аҳолини саноати ривожланган ҳудудларга кўчиши, уларни иш билан таъминлаш орқали турмуш даражасини пасайишини бирмунча олдини олиш мумкин бўларди; ҳудудларда минерал-хомашё заҳираларининг нотекис бўлиши; ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган малакали ишчиларнинг камлиги.

**Хулоса ва таклифлар**

Давлат ўзининг ҳудудлар бўйича саноат сиёсатини юритишда асосий эътиборни шу саноати паст ривожланган ҳудудларга қаратиш керак бўлади. Лекин, бу саноати ўртача ривожланишга эга бўлган ҳудудлар эътибордан четда қолади дегани эмас, уларга яни технологияга ва инновацига асосланган лойиҳаларни амалга ошириш имконияти бўлса, уни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳудуд раҳбарияти фақат тадбиркорлар билан ҳамкорликда



харидоргир, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши мумкин. Гап шундаки, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олдин ушбу маҳсулотга талаб борми, бўлса қанча, у ички бозорда сотиладими ёки ташқи бозорга ҳам чиқариладими деган саволларга жавоб бериш керак бўлади. Бу масалани, фақат, тадбиркор рискни бўйнига олган ҳолда ҳал қилиши мумкин. Шу сабабли ҳудуд раҳбарияти тадбиркорлар билан доимо мулоқотда бўлиб, уларнинг саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида керакли маълумотга эга бўлиши керак ва бу ахборот вилоят раҳбарияти томонидан саноатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгилашда муҳим ахборот бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли корхоналарни истиқболи бўлмаса тугатиш, уларнинг ўрнига кичик саноат зоналарини ташкил этиш. Агар бу корхоналарни янги технологиялар асосида ёки хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда ривожлантириш имконияти бўлса, уни қўллаб-қувватлаш чорасини кўриш.

Ҳудуднинг ресурс имкониятларидан келиб чиқиб хорижий инвесторларни ҳудудга жалб қилиш, улар билан қўшма корхоналар қуриш ишларига эътибор қаратиш.

Ҳудудда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни фаоллаштиришни йўналишларини белгилашда қуйидаги тамойилларга эътиборни қаратиш керак деб ўйлаймиз:

- бозор талабига жавоб берадиган саноат корхоналарига эътиборини қаратиш. Бу дегани, корхоналарни мулкӣ шаклига қараб имтиёзлар бериш ва қўллаб-қувватлаш: яъни, биринчи навбатда (хориж тажрибасидан маълум) хусусий корхоналар, хорижий корхоналар, қўшма корхоналар, очиқ турдаги акционерлар жамиятлари. Ушбу мулкларга асосланган корхоналар ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади деб қаралса яхши бўларди.

- янги технологияга асосланган, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицион лойихаларни ҳудудаги кичик саноат зоналарига жалб қилиш.

- йирик ва ўрта корхоналарни Самарқанд шаҳри ва Каттақўрғон шаҳрида жойлаштиришга эътиборни қаратиш. Қолган туман ва кичик шаҳарларда асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кичик саноат зоналарини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

- мавжуд корхона раҳбарлари билан мулоқотни фаоллаштириш. Улар раҳбарлик қилаётган корхоналарнинг имкониятларини ўрганиш таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, янги технологияларни олиши, хориж ҳамкорлар билан ишлаш имкониятлари, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш дастурларида қатнашишини, кооперациялашуви билан боғлиқ жараёнларни қўллаб қувватлаш.

- ҳудудда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш, истиқболли бизнесни аниқлаш, ва уни қўллаб қувватлаш, айниқса экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бўлган тадбиркорларни.

Хар бир вилоят ўзининг ҳудудий саноат сиёсатини белгилаши керак, ҳудудий саноат сиёсат шу ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар тизими бўлиб, у юқори қўшилган қиймат яратувчи қайта ишлаш саноатини юқори технологиялар асосида модернизация қилишга, саноат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришни рағбатлантиришга, саноат корхоналари ўртасида кооперацияларни кучайтиришга, хорижий инвестицияларни ҳудудга жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш, қўшма корхоналар қуриш учун керакли бизнес шароитларни яратишга, саноат соҳасининг устувор тармоқларини комплекс ривожлантириш концепцияси ва комплекс ривожланиш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши ҳудудда саноатни ривожлантиришни тўғри йўлга қўйишга ва уни жадаллаштиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг 3-йўналиши 3.2 ва 3.5 бандлари.
2. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31декабрь, 378 – сонли қарори.
3. Бурцов Н.Н. Промышленность России в условиях развития конкурентной среды: региональный аспект. – М.: Наука, 2003г. 319с.
4. Власкин Г.А. Ленчук Е.Б. Промышленная политика в условиях перехода к инновационной экономике: опыт стран Центральной и Восточной Европы и СНГ. М.:Наука 2006. – 246с.
5. Бест М. Новое конкуренция. Институты промышленного развития. М.ГТЕИС, 2004 г. – 356с.
6. Егорова А. О., Кузнецова С. Н. Промышленные парки как платформа для развития человеческого и финансового капитала // Научное обозрение. 2016. № 18. С. 138-141.
7. Кузнецов В. П., Кузнецова С. Н., Лапаев Д. Н. Теоретические аспекты развития организационно-экономического механизма формирования промышленных парков. Казань, изд-во Познание Института экономики, управления и права. 2014. 148 с.
8. Кузнецова С. Н., Кузнецов В. П. Методика оценки интегральной эффективности инвестиционных проектов в рамках промышленных парков: монография / Мининский университет. Нижний Новгород. 2015. 200 с.
9. Porter M. E. On competition. Cambridge. MA: A Harvard Business Review Book. 1998.
10. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: Шарқ, 2002.-183б.